

ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИ—ҒАЛАБАЛАРИМИЗ МАНБАИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ
№ 97 (4088). | Сешанба, 20 май, 1969 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Космик фазони тадқиқ этиш йўлида Ватанимиз фани ва техникасининг бу ғалабасига бутун совет халқининг қаҳрамонларча илҳомбахш меҳнати тугайли эришилди. Бу илмий жасорат бутун мамлакатимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ташкилотчиси, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигини коммунизм қурилишида янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга тайёрланаётган бир вақтда амалга оширилди.

АВТОМАТИК «ВЕНЕРА-5» ВА «ВЕНЕРА-6» СТАНЦИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ПАРВОЗИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР, ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

Қадри ўртоқлар!
Бизнинг Совет ватанимиз космосни эгаллашда яна бир буюк ғалабага эришди. 1969 йил 16 ва 17 майда космосда яна бир эксперимент муваффақиятли тугалланди — планеталаро «Венера-5» ва «Венера-6» совет станциялари Венера планетасига етиб борди.
Станцияларнинг тушурувчи аппаратлари атмосферада оҳиста кўнди, илмий ўлчовларнинг кенг комплекси бажарилиб ва Ерга Венера планетаси тўғрисида қимматли маълумотлар берди, инсониятни Кўёш системасининг кам тадқиқ этилган самовий jismlarидан бири тўғрисида янги маълумотлар билан бойитди.
«Венера-5» ва «Венера-6» станциялари Владимир Ильич Ленин барельефи туширилган ва совет Социалистик Республикалари Иттифоқи давлат герби тасвирланган вимпелларни Венера сатҳига элиб кўйди.
«Венера-5» ва «Венера-6» совет станцияларининг голибона парвози автоматик космик аппаратлар ёрдамида Кўёш системасини ўрганишда олға қараб қўйилган муҳим қадамдир.
Космик фазони тадқиқ этиш йўлида ватанимиз фани ва техникасининг бу ғалабасига бутун совет халқининг қаҳрамонларча илҳомбахш меҳнати тугайли эришилди. Бу илмий жасорат бутун мамлакатимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ташкилотчиси, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигини коммунизм қурилишида янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга тайёрланаётган бир вақтда амалга оширилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети автоматик «Венера-5» ва «Венера-6» станцияларини яратишда, уларни учиртиришда ва парвозининг таъминлашда қатнашган олимлар ва конструкторларнинг, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг, коллективлар ва ташкилотларнинг кизгин кутлайдилар.
Қаҳрамон ва бунёдкор халқ — совет халқига шон-шарафлар!
Яшасин улуг ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида эришаётган барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 19 МАЙГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)
Биринчи устун — бир кунда,
иккинчи устун — мавсум бошидан бери экилган.

МАКАЖҲОРИ		
КАЛИНИН	1,2	103,1
Оржоникидзе	1,6	95,6
Урта Чирчиқ	—	82,5
Оққўрғон	0,3	74,0
Юқори Чирчиқ	—	71,3
Янгийул	0,6	70,4
Бўка	0,4	68,3
Бўстонлиқ	—	57,5
Бекқўрғон	—	56,6
Область бўйича:	0,4	74,6
ШОЛИ		
Юқори Чирчиқ	7,8	59,0
Калинин	0,8	58,4
Янгийул	6,1	30,3
Урта Чирчиқ	7,4	23,3
Оржоникидзе	—	20,8
Бўстонлиқ	—	17,7
Бекқўрғон	2,6	16,2
Область бўйича:	2,3	13,3
Оққўрғон	3,3	9,6
Область бўйича:	4,2	19,9



Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхози лубнорлари бу йил 20 минг тоннага яқин ҳаёлот пиласи етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир колхознинг барча далаларида қанон ниҳолларини парвариш қилиш ва озиклаштириш ушшоқлиги билан олиб бориляпти. Суратга: илгор эвено бошлиғи Муҳит Мирзаахмедов.

ФАНИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Совет фани улкан ғалаба қозонди. Планеталаро «Венера-5» станцияси планеталаро — космик сафарини муваффақиятли тугаллади. «Венера-5» станцияси Венера планетаси атмосферасига оҳиста кўнди. «Венера-6» автомат станцияси кўпайлик парвозини тугаллади.

Бу — чинакам инсон ақли ва заковатининг буюк тантанасидир. Ахир, бу чинакам кашфиёт эмасми! Аjoyиб кашфиёт совет олимлари, инженерлари, ишчилари фидокорона меҳнатининг натижаси.

Совет кишиси жаҳонда биринчи бўлиб космик баҳодир бўлган эди. Космосни забот этишда амалга оширилган зафарли меҳнатимиз яна бир улкан ғалаба билан яқинлади. Улуг доҳимиз Лениннинг барельефи туширилган ва СССР давлат герби тасвирланган вимпеллими Венерага олиб чиқилди.

Биз совет фани ва техникасининг бундан кейинги равақига муваффақиятлар тилаймиз. Космосни забот этишда олимларимиз ва конструкторларимиз янги-янги зафарларни қўлга киритаверсинлар.

Х. УСМОНОВ,

академик,
А. ИМОМАЛИЕВ,
биология фанлари доктори,
А. ОБИДОВ,
медицина фанлари доктори.

Қ О Й И Л М И З


Совет фани яна бир улкан ғалабани қўлга киритди. Бундан тўрт ой муқаддам Венера планетаси томон учиртилган «Венера-5» ҳамда «Венера-6» космик станциялари бирин-кетин белгиланган жойга юмшоқ кўнди.

Сирли космосни ўзлаштиришда жаҳон ақлини қўйиб қолдириб кетган иккундор совет халқи ўз олимлари, ўз инженер-техник ходимлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Доҳимиз В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллиги арафасида қўлга киритилган бу улкан ютуқ биз металлургиянинг нихотда севиштириб юборди. Совет фанининг оламшумул ғалабасига жавобан Ватанимиз қудратини ошириш, унинг бойлигига бойлик қўйиш учун янада кўпроқ металл, прокат ишлаб чиқарамиз. «Венера-5» ҳамда «Венера-6» планеталаро автоматик станцияси ижод этган олимларимизга офарин!

Бекқўрғон металлургия заводининг
листик Меҳнат Қаҳрамони.

А. ЭРГАШЕВ,

мастери, Соцна



«Космик опа-сингиллардан бири» ўзининг узоқ сафари — Венерага кетишидан олдин ана шундай кўринишда бўлган. Сурат «Правда» газетасидан олинди.

Б. Дмитриев фотоси.

БУЮК КОСМИК ЭКСПЕРИМЕНТ ТУГАЛЛАНДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«ВЕНЕРА-5» ВА «ВЕНЕРА-6» АВТОМАТ СТАНЦИЯЛАРИ ВЕНЕРА ПЛАНЕТАСИГА ЕТИБ БОРДИ

Совет фани янги муваффақият қозонди. «Венера-5» станцияси кўнгандан кейин орадан бир сутка ўтгач, 1969 йил 17 майда планеталаро «Венера-6» автомат станцияси ҳам Ер — Венера трассаси бўйлаб кўп ойлқ парвозини тугаллади.

Станция планетаси атмосферасига «Венера-5» станцияси кирган жойдан тахминан 300 километр нарида кириб борди. Станциянинг тушурувчи аппарати 51 минут давомида атмосферада оҳиста пасайиб борди. Тушириш вақтида Венера атмосферасининг характеристикалари ўлчаниб, олинган маълумотлар олс космик алоқа марказига юбориб турилди.

«Венера-5» станцияси каби «Венера-6» станцияси ҳам планетасига Владимир Ильич Лениннинг барельефи туширилган ва Совет Иттифоқи давлат герби тасвирланган вимпелларини элиб кўйди.

Совет Иттифоқида Венера планетасининг автомат космик аппаратлар ёрдамида урганиш программаси ижро этилган бу муваффақият олиб боришмоқда.

Венера планетасининг автомат космик аппаратлар ёрдамида урганишга дунёда биринчи марта Совет Иттифоқи 1961 йилда киришган эди. Ушанда бу планетасига «Венера-1» станцияси учиртилган эди. 1966 йил 27 февралда «Венера-2» совет автомат станцияси Венера планетаси яқинидан учиб ўтди, уша йилнинг биринчи марта эса, «Венера-3» станцияси

биринчи марта шу планетасига етиб бориб, унинг сатҳига вимпел элиб кўйди. 1967 йил 18 октябрда совет фани ва техникаси янги улкан ғалаба қозонди. Космик тадқиқотлар тарихида биринчи марта «Венера-4» автомат станциясининг тушурувчи аппарати Венера атмосферасига оҳиста пасайиб, унинг параметрларини ўлчадди. Венера атмосферасининг физиканый характеристикалари тўғрисида ноёб илмий маълумотлар олинди.

«Венера-5» ва «Венера-6» автомат станциялари шу планетасига урганиш давом эттириб, фани муҳим илмий маълумотлар билан бойитди ва бизнинг Венера тўғрисидаги билимларимизни кенгайтди, қониёт тўғрисидаги фанга янги аjoyиб ҳисса қўйди. Тўрт ойдан кўпроқ вақт давом этган парвоз натижасида «Венера-5» ва «Венера-6» автомат станциялари планеталаро фазода содир бўлувчи физиканый жараёнларни ўрганиш соҳасида муҳим тадқиқотлар ўтказди. Бунга станциялар билан доимий ва муваффақиятли алоқа ўрнатилганлиги тугайли эришилди. «Венера-5» билан 73 та, «Венера-6» станцияси билан эса 63 та радио алоқа сеанси ўтказилди.

Бутун парвоз давомида станцияларнинг ичидagi системалар ва илмий аппаратлар бекувсон ишлаб турди. Станцияларнинг бўлмаганда зарур иссиқлик режими таъмин этилди, уларнинг қўёш батареялари доимо қўёшга ўнлаб турди, радио алоқа сеанслари вақтда эса тик қаратилган параболик антенналар Ерга

ўнлаб турди. Мана шуларнинг ҳаммаси автомат станцияларнинг юксак илмий ва техника даражасида эканлигидан далолат беради.

Станциялар ичидagi ҳамма системалар пухта ишлаб турганлиги уларни Венера сари учиртириш ва планета атмосферасига аппаратларни оҳиста тушириш юзасидан белгиланган программанинг бажарилишини таъминлади.

Ҳар иккала станциянинг тушурувчи аппаратлари, муҳаллаб қўйилганда, планетанинг туғи томонидagi атмосферасига туширилди. Аппаратлар ичидagi илмий аппаратлар тушириш жараёнида Венера атмосферасининг химиявий таркибини, босимини, тингизлигини ва ҳароратини ўлчаб турди. Дунёда биринчи марта Венера атмосферасини ўрганиш соҳасида илмий тадқиқотлар бир вақтинги ўзла ҳақиқатда унинг икки районида олиб борилди.

«Венера-5» ва «Венера-6» автомат станцияларининг яратилганлиги ва парвози совет космик фани ва техникасининг юксак қамолотини, олимлар, конструкторларнинг талантини, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг махоратини аjoyиб намоён қилиб турилди. В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллиги бўсага-сида совет космонавтикаси эришган янги буюк муваффақият — Советлар мамлакатини илмий-техник тараққиётининг, унинг халқи ижодий гайрат-шиқоватининг аjoyиб далилидир, космик фазони ўзлаштиришга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига

Биз, планеталаро «Венера-5» ва «Венера-6» автомат станциясини яратишда, учиртиришда ва унинг парвозини амалга оширишда ҳамда илмий маълумотлар қабул қилиш ва ишлаб чиқишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига планеталаро «Венера-5» ва «Венера-6» станцияларини учиртириш мураккаб программаси муваффақиятли бажарилаётганини маълум қиламиз.

Шу станцияларда ўрнатилган илмий аппаратлар ёрдами билан космик фазода ҳамда

Венера планетаси атмосферасига юз бераётган физик процесслар тўғрисида янги қимматли маълумотлар олинди.

Владимир Ильич Ленин барельефи ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи давлат герби туширилган вимпел Венера планетасига элиб кўйилди.

Космосни эгаллаш соҳасида ватанимизнинг бу янги ғалабасига халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати тугайли, жонажон Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукумати раҳбарлигида социализм йўлида қўлга киритилган буюк ғалабалар тугайли эришилди.

Совет фани ва техникасининг бу муваффақиятини биз Коммунистик партия ташкилотчиси, Совет давлати асосчиси, бутун дунё меҳнатқилларининг кўзбўйиши Владимир Ильич Ленин тугилган куннинг 100 йиллигига сўнлаймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтариб айтганимиз, биз совет халқининг ҳамда бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космик фазони янада ўзлаштириш соҳасидаги янги, мураккаб вазифаларни бажариш учун бундан кейин ҳам кучимизни аямай меҳнат қиламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтариб айтганимиз, биз совет халқининг ҳамда бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космик фазони янада ўзлаштириш соҳасидаги янги, мураккаб вазифаларни бажариш учун бундан кейин ҳам кучимизни аямай меҳнат қиламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтариб айтганимиз, биз совет халқининг ҳамда бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космик фазони янада ўзлаштириш соҳасидаги янги, мураккаб вазифаларни бажариш учун бундан кейин ҳам кучимизни аямай меҳнат қиламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтариб айтганимиз, биз совет халқининг ҳамда бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космик фазони янада ўзлаштириш соҳасидаги янги, мураккаб вазифаларни бажариш учун бундан кейин ҳам кучимизни аямай меҳнат қиламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтариб айтганимиз, биз совет халқининг ҳамда бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космик фазони янада ўзлаштириш соҳасидаги янги, мураккаб вазифаларни бажариш учун бундан кейин ҳам кучимизни аямай меҳнат қиламиз.

СЕМИНАР ЯХШИ САМАРА БЕРДИ

Бирлашган Араб Республикаси Фаттоҳ ал Лаббан ўзТАГ муҳоррига қўйидагиларни айтди:

— Биз ўрта Осиёдаги совет республикаларида фанининг кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўйидагиларни айтди:

Мехмонлар Ўзбекистон ССР кишлоқ хўжалиқ министрига қабул қилинди.

Малик Зауар (Покстон), семинар қатнашчилари номидан бундай деди:

— Республикангизда қўйилган кишлоқ хўжалиқининг ривожланиши билан танишиб чиқишимиз бизга кўп наф келтирди. Биз ўз қўлимиз билан қўрган нарсаларнинг кўпини ватанимизда рубга чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Чет эл мутахассислари Ўзбекистондаги Бутуниттифоқ қоракўчилик институтида лекциялар тинглашди, ихтисослаштирилган хўжаликларни бориб кўришди.

Чет эл мутахассислари Ўзбекистондаги Бутуниттифоқ қоракўчилик институтида лекциялар тинглашди, ихтисослаштирилган хўжаликларни бориб кўришди.

Чет эл мутахассислари Ўзбекистондаги Бутуниттифоқ қоракўчилик институтида лекциялар тинглашди, ихтисослаштирилган хўжаликларни бориб кўришди.

Чет эл мутахассислари Ўзбекистондаги Бутуниттифоқ қоракўчилик институтида лекциялар тинглашди, ихтисослаштирилган хўжаликларни бориб кўришди.

Чет эл мутахассислари Ўзбекистондаги Бутуниттифоқ қоракўчилик институтида лекциялар тинглашди, ихтисослаштирилган хўжаликларни бориб кўришди.

ЎЗА ЯГНА ҚИЛИНМОҚДА

ШУРАЛИСОП. («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан).

Бундан қарий бир ҳафта олдин бу ердаги адирлар теп-текис шўлгор эди. Кейинги ёмғирдан кейин кенг даладар яшил дубос билан қопланди.

Тепалардан туриб, пастиқларга назар ташлаймиз. Меҳнаткорларнинг куч ва гайрати билан барвақт экиб олинган чигит эйилдида бир текисда ниш уриб ҳўқариб чиқди. Ўрта ташланган қаргалардаги гўзалар кишини янада қувонтиради. 2—3 тадан чинбарг чиқариб қўлибди.

«Партия XXI съезди» колхозининг ҳамма участка ва эвеноларда гўзани парвариш қилиш қизғин кетаяпти. Гўза қўлтиривалас билан бир вақтда йиллик норманинг 40—50 проценти мийдориди ўнг бериляпти.

Қўлтиривалас қилиб ўтилган майдонлар пешмана-пеш ятадан чиқаришмоқда. Яганаларда атроҳетина қондаларига аҳамият бериляпти. Саттор Жўраев, Иброҳим, Алимов, Тўрабой Турсунбоев, Мирзаахмедов Аҳмедов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган эвеноларда ягана таомланай, деб қолди.

— Пахтакорларимиз, — дейди колхоз раиси ўртоқ Аҳмедов Жўраев, — об-ҳавонинг ҳар қандай иқлимликларини мардонавор етган ҳолда ишлайтилар. Улар социалистик муСОБАҚА байрогини кенг қўлоқ ейдириб, ҳар бир гектар ёрдан 35 центнердан ҳосил топириш учун барча куч ва имкониятларини ишта солмоқдалар.

М. ГОЗИЕВ,
Янгийул.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

БЕКҚЎРҒОН. 2-«Далларин» совхозининг Шариф Аҳмедов раҳбарлик қилаётган бўлим далаларида гўза парвариши қизғин олиб бориляпти. Бу бўлимга қарашли 70 гектар майдоннинг яримдан қисми шўрхўқ, қамқувват ерлар ҳисобланади.

Шу бондан бўлим деҳқонлари ерларни ҳолатига қараб озиклаштириш ишларини олиб бориляптилар. Ўзигагина майдонлардаги гўзалар гуркираб ўсмонда. Ҳар гектардан олтидан гўза кишини 32 центнерга қўтариш учун астойдил меҳнат қилаётган бўлим пахтакорлари барча резервларини ишта солиштириб, К. Мирзаахмедов, А. Аҳмедов, И. Эризаев ва қаб илгор пахтакорлар гўза парваришини аямай қамқувват олиб бормоқдалар.

Т. БҲАБОВЕВ.

ЯНГИЙУЛ. Фрунзе номли колхозининг Ленин орденли Мухтор Абдулов бошлиқ илгор эвено пахтакорлари гўза парваришини намунали ташкил этмоқдалар. Ҳозир эвено далаарида қўдалангига ва узунасига парвариш қилинаётган ниҳоллар кун сайин барқ уриб яшамоқда.

Бу йил 43 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил қўтаришга аҳд қилган эвено деҳқонлари гўза парваришини қўлатиришмоқдалар. Бу ишда эвенонинг Э. Шерматов, Қ. Умурзоқова, Г. Бўлибоев, Ф. Қўтиевлар пешқадамлик қилади.

В. БОБОХОНОВ.

МИРЗО ҒОЛИБ

ШОИР ХОТИРАСИ

16 майда Тошкентда ўтказилган илмий конференция Хиндистон ва Покистон адабиётининг классиги Мирзо Ғолибнинг юз йиллик юбилейига бағишланди. Бу конференцияда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг ходимлари, ёзувчилар, Совет-Хиндистон ва Совет-Покистон маданий алоқалари жамиятлари Ўзбекистон бўлимларининг аъзолари қатнашди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. Муминов конференциянинг очиб, Ўзбек шарқшунослири ҳозирги вақтда улуғ шоир ва файласуфнинг икки йил меросини ўрганишга натта аҳамият бераётганини таъкидлади. Ғолибнинг «Шайдо» газаллари тўлаими Ўзбекистонда кўп нускада нашр этилди. Кейинги вақтларда республикада Ғолибнинг ҳаёти ва ижоди баъзиларга оммабоп китоблар ва илмий мақолалар босилиб чиқди.

Ўзбекистон ва Москва олимлари Ғолибнинг ҳаёти, ижоди, фалсафий қарашлари тўғрисида ахборот беришди.

Конференцияда Тошкентга келган ҳинд делегациясининг аъзолари Хиндистоннинг машҳур тобиёшуноси Малик Рам Баберли ва доктор Ҳашишом Хусайнлар ҳам сўзга чиқиб, бу конференция халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга хизмат қилади, деб таъкидладилар.

(Ғ.ТАГ).

Мирзо ҒОЛИБ.



РУБОИЙЛАР

1. Раяк тортганман жаҳондан, май фақат дармон эрур.
Дилга бергай эрур қудрат, ҳам гўйон жон эрур.
Ара қилдим мен отамга, бодаҳурдан пеша қил.
Бодаҳурдан бодай мерос бейбон эрур.

2. Худое! қайдасан, зар бермадинг ҳеч.
Дилинг тошдан экан, зар бермадинг ҳеч.
Хато қилдим, на Ғолибсан, на бераҳм.
Сан оғиз ҳамда ман, зар бермадинг ҳеч.

3. Кимда ким йўқ олгини номолдор,
Унга расволик табиий ҳолдор.
Жома майолудаву лаб ташнадор.

ХАЁЛИМ ЖОНОН ҚИЛИБ...

Яна кўзлар бировни том бошига чорлагай,
Кожини келса зулфин юзга паршон қилиб!
Яна кўнгли кимсан қўйсаяди, оҳ! Келса-чи,
Сурма-ла ўтир — олмас ҳар тили муножот қилиб.
Яна кўзлар навабор ислоҳини ахтарур.
Кўнглим май тафти-ла чеҳраси бустон қилиб.
Яна ётмоқ истаган кўнглим ёр эшиклари.
Дарвозабон дўтф этса, ёстиги остон қилиб.
Кўнглим оро кўнглим қайта ўша фурсат кўнглим.
Ўтирсам, дер эрта-кеч хаёлим жонон қилиб,
Тегма жентга эй Ғолиб! Ўтирибман, жаҳонни —
Ғарқ этгани ёшимга қарор паймон қилиб.

ЎЧИРИБ БЎЛМАС

Лаби лочин. Ҳеч унга арзи ҳол қилиб бўлмас,
Иш битурин, сўз очиб ё яқин келиб бўлмас!
Мен қақирдам печабор, келтирур ким, келмас!

Балки соғий жоми бир ғирбоддир.

4. Муҳаббат борасида тингладик кўп,
Муҳаббат борасида сўзладик кўп.
Виз ўтдик, лек қолди у жаҳонда,
Муҳаббат борасида кўйладик кўп.

5. Насиҳат қилмагил, ай гамгусорим,
Май измаклик эрур азму қарорим.
Эсиздур ўтганим сўнг қолса мендан,
Икки-уч кўза бода — ҳарна борим.

Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси.

Бир бало бўлиб бўлсин келмайн юриб бўлмас.
Ишқини ўйин билбиди, у ташнаб кетмасайди.
Илоҳим қўлгил айтсин: «Қўймай туриб бўлмас».
Юрур гайри хатинини қилиб шундай кўза-кўза.
Бирор сўрса «бу не?» деб, ҳеч қан қўриб бўлмас.
Кўйдириб бу назорат! Яхши, бироқ не фойда?
Тушиб қолса кўлга гар, унга қўл уриб бўлмас.
Айта олурми кимса: бу равнак, жилава кимдан?

Ташламанш юзга шундай парда, кўтариб бўлмас,
Пойлайин ўлимни? Ахир келмайн қолмас.

Пойлайин не деб сени? Сени келтириб бўлмас.

Елкамга бир юк тушди, кўтармоқ амри маҳол.

Бошмга бир иш тушди, ўтаб-қутулиб бўлмас.

Севга зўрлик кўтармас, бу шундай ўтки, Ғолиб, —

Зўрлаб ёндириб бўлмас, зўрлаб ўчириб бўлмас.

Урду тилидан Р. МУҲАММАДЖОНОВ таржимаси.

ҚАЛБ КУЙЧИСИ

Бутун жаҳон Тинчлик Комитетининг қарорига мувофиқ бу йил бутун прогрессив инсоният Хиндистон ва Покистоннинг машҳур шоири ва мутафаккири Мирзо Асадулло Ғолиб вафот этган кунининг 100 йиллигини нишонламоқда.

Мирзо Ғолиб оғир бир даврда яшайди. Унинг ҳаёти Хиндистонда инглиз мустабидларнинг эксплуатацияси ва жабуру-зўлмлари аяқ олган бир пайтда кечди. Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги мураккаб воқеалар унинг маданиятига таъсир этмай қолмади. Натигада бир томонда ўзини тушунтириш ва умидсизликка, яна бир томонда худбинлик ва ишратпарастлик гирдобига маҳкум этган кишилар пайдо бўлди. Бу даврда ўз ижодини халқ ҳаёти билан боғлаган ва юксак ғояларни куйлаб келатган ҳақиқий ижодкорларнинг қадру-қиммати оёқ ости қилинган эди. Шунга қарамай ҳақиқий санъат мўъжизалари булдоқдек қайнаб мавж урди. Бу мўътабар ва мусаффо ижод булдоқларини юксак истеъдод эгаси бўлган Мирзо Асадулло Ғолибга ўхшаган буюк қалам соҳиблари яратдилар.

Ғолиб ўз асарларини урду ва форс тилида ёзди. Унинг баракали ижоди ўз даврида халқ орасида маълум ва машҳур бўлди. Ғолибнинг «Форси назм куллийети», «Сабадчин», «Ғолиб мутафаккири», «Беш оҳанг», «Дуойи сабоҳ», «Дас-танбу», «Қотен бурҳон», «Девони урду», «Осори Ғолиб», «Ўри хинди», «Теги тез» ва бошқа асарлари борлиги қайд этилган.

Ўттир эҳди, буюк истеъдод эгаси бўлган Ғолиб ўз ижодида ўттиш шарқ шоирларига тақлид этиш, гулул бўлуллар мадҳини қўйлаш йўлидан бормайди. У сўз ўйини ва сўз жилваларига берилиб кетмади, аксинча ижод гулдасталирининг мазмунига жиддий эътибор берди.

Мирзо Ғолиб шеърини унинг оригинал назм дурдоналари ижодкори эканлигининг ёрқин гувоҳиди. Ғолиб шеърини янги мазмун, янги сайёра излар эди. Ҳар бир ижодий маҳсулот ўз оригиналлик ва таъсир кучи билан кишилар юрагига бориб етишини истарди. Шунинг учун ҳам Ғолиб асарларида ақл-идрок, ҳаққўйлик, ҳазилғўйлик, фалсафийлик, гераник, доноликни кўриб, беҳиштер унинг мафтун ии бўласиз, ўзингизни қалбнинг торини чертган мусиқий даргоҳга, муаттар бўйлар билан дилингизни ҳушнуд этган ажойиб гулшанга кириб қон-гандек ҳис этасиз.

Ғолиб инсон ҳаётини қадрлар ва инсон тафаккурини улуғлаб, эски урф-одат ва ақидаларга қарши ўз овозини баланд қўйиб, дунёда ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, эркин фикр ва ақлу идрокининг тантанасини улуғлар эди ва бу мавзу унинг ижодий мазмун эди. Шунинг учун ҳам тақводорлар, эски бидъат кишилари, худбинлар унга терс қараб, улкан ижодини, табаррук номини қамситишга, бўҳтончар ёғдиришга уринар эдилар.

Ҳақиқий ижод кўёш нурига ўхшайди. Уни на зулмат ва на асрий булутлар тўсалолади. Шеърини кўшинининг ҳузурубахш нурлари асрлар оша инсон қалбига йўл топа олади. Ғолиб шеърлари уш ҳаёт билан вақт-дефқ Хиндистон сарҳадидан

ташқарига йўл олган эди. Шу нарсани қувонч билан айтиш-киз жуминини, бизнинг халқларимиз XIX асрнинг охири-дефқ Ғолиб шеърлари билан танишишга мўъассар бўлган. Ўша даврда Бухорода Ғолиб шеърларининг тўлаими тайёрланганлиги ўрта Осиё халқларининг буюк шоир ижодида бўлган чексиз ҳурматининг ифодасидир.

Октябрь инқилобидан кейин ҳам бизнинг халқларимиз хорижий Шарқ, шу жумладан Хиндистон маданий меросига зўр ҳурмат билан қараб келди. Мамлакатимиз халқлари тилларига машҳур шарқ классикларининг асарлари таржима қилина бошланди. Ғолиб шеърини Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа ўрта Осиё халқлари орасида ҳам кенг тарқала бошланди. Ўзбек китобхоналари 1965 йилда Мирзо Ғолибнинг «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти томонидан нашр этилган «Шайдо» номли шеърлар тўпламининг зўр қизғиш билан ўқиб келмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизда, шу жумладан бизнинг республикада Мирзо Ғолиб вафотининг 100 йиллигига бағишланган юбилей кечалари ўтказилмоқда. Республика нашриётлари машҳур шоир ижодиётига бағишланган асарларни китобхоналарга тақдим этди. Диримизда Мирзо Ғолибнинг шеърлари янграмоқда, қадимий қўшин халқлар дўстлигининг тароналари бўлиб янграмоқда.

Мирзо Ғолиб ўз шеърлари, ижодий дурдоналари билан элимизнинг ҳар бир хонадонига абадий ўз кишимиз бўлиб қолмоқда. Ғолиб юбилейини ўтказайтган халқларимиз, шеърини даҳосига тақсирлар ўқиб, халқларимиз дўстлиги омон бўлсин дейди. Дунёда тинчлик қўёшн порлаб, нафосат бустони гул-гул яшнанис дейди.

Н. ЭҒАМНАЗАРОВ.

РАДОН ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН АЙТИВ ВЕРАДИ

Радоннинг инерт газ — радоннинг шифобахш хусусиятлари яхши маълум. У радон парчаланиб, гада ҳис қилиб олади. Кўп минерал иссиқ сувлар радонга бой.

Тошкент сейсмологлари шу нарсани пайқайдиларки, радон медицинадаги фойдали бўлиб қолмай; зилзилани олдиндан айтиб беришда ҳам роль уйнар экан Н. А. Семашин номидagi Ўзбекистон нуротология ва физиотерапия институтининг илмий ходимлари 1957 йилдан бошлаб Тошкент минерал иссиқ сувида радон кўпайиб бораётганлигини ва 1965 йил уртасига келиб қарийб икки баравар ортиб кетганлигини аниқладилар.

1966 йилдаги кучли зилзиладан сўнг радоннинг тўлалигини қатъий назорат қилиш зарур бўлди. Бу ҳодиса билан қизиб қолган сейсмологлар радон концентратциясини ҳар кун унмай бошладилар. Маълум бўлишча, қайта кучли силкинишлар (4-7 балли) олдиндан радон мўътаза оқиб берган, силкиниш олдиндан стабиллашган, зилзиладан кейин эса кескин камайиб кетган. Радоннинг энг кўпайиш ҳолати кучли ерости силкинишлари, дан тўрт-беш кун олдин юз берган.

Тошкентлик сейсмологлар тадқиқотларини давом эттирмоқдалар. Исоф СИГАЛОВ, АПН мухбири.

БИРИНЧИ ДАВРАДАН ЎТИЛДИ

Ўтган ақшанба кун «Пахтакор» футболчилари чемпионат дастлабки босқичи биринчи даврасининг сўнгги ўйинини Кутаиси торпедочилари билан ўтказдилар. Ҳамшаҳарларимиз бунгача ҳавфли зонадан чиқолмай келатган эдилар. Шунинг учун ҳам ўзбек футболчилари чекинишга чек қўйиб, учрашув бошидан оғайрат қилишди. Танаффустача ҳисобини очиб имкони бўлмади. Иккинчи бўлимда — пахтакорчилар тайинки яна кучайтириб, меҳмонларни ўз штраф майдонида ниҳоятда хушёрлик билан ҳаракат қилишга мажбур этдилар. Кетма-кет қилинган ҳужумлар 67-минутдагина натижа берди. Қанотдан оширишда турган Бектошев дарвозабон йўналиштиришга муваффақ бўлди. (У 46-минутда Красниқийнинг ўйига тушган эди) Кутаислик автозаводчилар бу кўнглисиз воқеадан сўнг ўйин тактикаларини ўзгартириб, меҳмонлар майдонида кўпроқ пайдо бўла бошладилар. Любарцев дарвозаси олдида шундай бир вазиет вужудга келдики, бунда Науменконинг хушёрлиги туфайлигина «Пахтакор» тўпдан саклаб қолди. Фақат ҳужумини ўйлаб ҳаракат қилган кутаисликчилар иккинчи марта жазолашчилари мумкин эди, лекин 80-минутда С. Мелкумов рақиб дарвозабони билан янгамача келиб, бўш дарвоза рўпасига чиққанда, пада-партишлик қилиб қўйди.

«Пахтакор» битта тўп уриб икки очко олди. Бу галаба тошкентликларни бирйўла тўрт поғона юқорига кўтарди. Шу кун турнир пешкадами Тбилиси динамочилари Олма-

отада бир очко йўқотдилар. Бу ерда тўпни аввал «Қайрат» ҳужумчиси Абголиц киритди. Танаффусдан кейин Гавашели ҳисобни 1:1 қилди. Шу ҳисоб Донецка бўлган ўйинда ҳам қайд этилди: «Пахтер» билан Минск динамочиларининг кучлари тенг келди.

Биринчи кичик группда бўлган уч ўйин натижаси қуйидагича: ЦСКА — «Крилья Советов» — 1:0. «Арат» — СКА — 2:0. «Динамо» (Москва) — «Уралмаш» — 1:0.

Бутун биринчи давранинг охири икки ўйин бўлди. Ленинградда «Зенит» билан «Спартак» учрашди. Москвада торпедочилар билан «Локомотив» куч синашди.

Шундай қилиб, биринчи давра йўналишмоқда. Мутахассисларнинг фикрига қараганда ўз группасида кунли етиликка кириш учун 15-16 очко киёфия қилади. Бу «Пахтакор» футболчилари ағаллай олди-ган маррадир. Тўғри, иккинчи даврда ҳамшаҳарларимизга бирмунча қийин бўлади. Негачки, «Пахтакор» футболчилари олтида учрашувни рақиблари майдонида, урта ўйинининга ўз уйда ўтказишди. Лекин шунинг айтиш керакки, ҳамшаҳарларимизнинг ҳозирги спорт формаси — масум бошидан анича яхши. Ҳамшаҳарларимиз ўйиндан ўйинга иштирокчилари, хурсанд этмоқдалар. Бунини шу фактлар ҳам кўрсатиб турмоқда, тошкентликлар ўз майдонига ўтказилган дастлабки уч ўйинда (Минск динамочилари, «Спартак» ва Москва торпедочилари билан бўлган учрашувларда) икки очко олган бўлсалар, кейинги уч ўйинда турнир жадвалининг юқори поғонасига келатган Олмаота,

Биринчи кичик группа

Командалар	Ўйин	Тўплар	Очко
«Динамо» К.	9	10-2	14
ЦСКА	9	7-2	13
«Нефтичи»	9	9-7	10
СКА	9	10-9	10
«Арат»	9	10-11	10
«Динамо» М.	9	7-9	8
«Уралмаш»	9	7-9	8
«Черноморец»	9	5-7	8
«Заря»	9	5-7	6
«Кр. Советов»	9	5-12	3

Иккинчи кичик группа

Командалар	Ўйин	Тўплар	Очко
«Динамо» Тб.	9	11-3	13
«Спартак»	9	12-5	12
«Қайрат»	9	9-7	9
«Динамо» Ми.	9	7-8	9
«Пахтакор»	9	8-10	9
«Торпедо» М.	9	5-5	8
«Шахтер»	9	9-11	8
«Торпедо» Кт.	9	7-10	8
«Зенит»	9	6-7	7
«Локомотив»	9	6-14	3

«Пахтакор» 22 май кунини ўз майдонида СССР куботи учун курашин бошлади. Ўтган йили Ўзбек футболчилари билан бўлган «Янган» да фахрли мунофотни қўлга киритган пойтахт торпедочилари билан қайта баҳсланишга тўғри келмоқда. Бу ўйиндан сўнг пахтакорчиларни Олмаотада «Қайрат» билан бўладиган қийин учрашув кутаётган.

С. МУСАЕВ.



В. И. Ленин номидаги пионер ташкилоти тузилган кун — бутун мамлакатимизда бўлгани каби пойтахт областда ҳам кенг нишонланди. Мактабларнинг пионерлари ўз байрамларини ўқинида ва жамоат ишларида яхши натижаларга эришган ҳолда кутиб олдилар. Жойларда бу кун муносабати билан тантанали йиғилишлар ва спор лар ўтказилди. Суратларда пионерларнинг байрам шодисна лари.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
13.00 даи — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
18.30 — Кўрсатишлар програм-
маси.

Рус тилида: 18.35 — Телеини-
лилар. 18.50 — «Ненкаган ма-
лина» мультфильм. 18.55 — Ле-
нинча меҳнат вақтисид. 19.15 —
Кино ҳақида суҳбатлашамиз.
20.15 — Кўрсатишлар програм-
маси.

Ўзбек тилида: 20.20 — Ҳа-
нот музика. 20.30 — Телеини-
лилар. 20.45 — Ёзувчи ён дафтар-
дан (Адабий эшиттириш). 21.25 —
«Фан» телепрограмма. 22.00 —
«Ичкилоб қавандозлари» (Бадиий
фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
19.15 — «Ешлани» студияси
кўрсатади Спорт янгиликлари
(рус тилида).

20.00 даи — Москва кўрсатади.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Салом,
Солма!» (Телефильм). 20.30 —
Чоғлу кўнралидан концерт.

Рус тилида: 21.00 — Латвия ҳа-
қида ҳуқуқатил фильм. 21.50 —
«У Ватанин ҳимоя қилади». (Ба-
диий фильм).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРАДА — 20/У да Ум
инкинчи тун.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/У да Пар-
сона. 21/У да Шоҳ Зали.
МУҚИМНИ НОМЛИ РЕСПУБЛИ-
КА ДАВЛАТ МЎЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
— 21/У да Икки бағузун. 22/У
да Ум инки неча ёни турфа Ҳан-
гомалар.

КИНО

ҚИШКИ ВИНОВА
«24-25» қайтамапти — «ЧАН-
КА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК»
(кундуз ва кечурун). «САНЪАТ
САРОНИ» (эрталаб соат 11.30, кун-
дуз 1.20 минут, 5 ва 7 да).
Сўнгги воевода — «МОСКВА»
(эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч
9 да).

Асримиздан йиллон йил нага-
ри — НАВОНИ номли, «ДРУН-
КВА» (кундуз ва кечурун), «МОС-
КВА» (кундуз соат 1.20 минут, 5
ва кеч 7 да).

Разведнида бўлган воқеа —
«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛ-
ЛИГИ» (эрталаб соат 10, 11.45,
кундуз 1.30 ва 3.15 минутларда).

Нейтрал сувлар — «ЎЗБЕКИС-
ТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва
кечурун).

Узоқ Ғарбда — «САНЪАТ СА-
РОНИ» (эрталаб соат 9.45 минут,
кундуз 3 ва кеч 9.45 минутда).

ЕЗГИ ВИНОВА
(Кеч соат 9 ва 10.45 минутларда).
Асримиздан йиллон йил нага-
ри — «ФЕСТИВАЛЬ».

Сўнгги воевода — «ХИВА».

«24-25» қайтамапти — ТЕЛ-
МАН номли.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

20 майдан 30 майгача
«ЧИЛОНЗОР» САВДО
МАРКАЗИДА

Тошкент тўймачилик ком-
бинатида ишлаб чиқариладиган
ир-газлама газмолларнинг
САВДО КУРГАЗМАСИ
ЎТҚАЗИЛАДИ

Савдо кургазмасига марха-
мат қилинг!

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОР»-га

тнику буюмлари ва тўймачи-
лик моллари технологияси
билан таниш бўлган товаршу-
нос-бракерлар.

КЕРАК

план бақарилганда онлайга
қушимча 40% мунофот-про-
грессивна туланади.

Мурожат учун адрес: Тўш-
кент шаҳар, 9 январь кўчаси,
122 уй, кадрлар бўлими (2, 3,
6, 7, 12 тролтебсларнинг
12, 14, 27, 29, 48, 51, 69 авто-
бусларнинг «Бешёоч» бена-
ти). Телефонлар: 4-27-72,
4-31-05.

2-УЙ ҚУРИШ КОМБИНАТИ- НИНГ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

монтажчилар, электр пай-
ванчилар, сувоқчилар, бето-
нчилар, рихтовчилар, зарб
қилувчилар

К Е Р А К

Меҳнат ҳақи — ишбайму-
нофот тариқасида.

Бошча шаҳардан келганлар-
га яхши миқдордан ётоқхо-
на, оилаликларга 2 йилдан
сўнг уй берилади.

Мурожат учун адрес: Тем-
кент шаҳар, Қора-Қамич мас-
сини, 1-микрорайон, Сабоқ
кўчаси, 7 уй (40, 42, 43-авто-
бусларнинг «Қора-Қамич» бе-
нати).

Тошкент област — ва шаҳар

партия комитетлари, област ва
шаҳар ишорат комитетлари